

# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажакдаги буюк давлат

2022 йил — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2022 йил 20 декабрь, № 271 (8333)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## МАКРОИҚТИСОДИЙ ПРОГНОЗЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев хузурида жорий йилда қўйилган ва 2023 йилга мўлжалланган макроиқтисодий прогнозлар муҳокама қилинди.

Жаҳондаги мураккаб вазиятга қарамай, жорий йилда мамлакатимиз иқтисодиёти 5,5 фоизга ўсиши, экспорт 13 фоиздан кўпроқ ошириб, 19 миллиард долларга етиши кутилмоқда. Давлат сиёсатида аҳоли бандлигини ошириш ва турмуш даражасини яхшилаш мақсади устувор бўлиб қолмоқда.

Жумладан, 2022 йилда маҳаллар инфратузилмасини яхшилаш, аҳолини узоқ йиллар қўйиб қолган масалаларни ҳал қилишга бюджетдан 8 триллион сўм йўналтирилди. "Ташаббусли бюджет" доирасида 8 миллионга яқин аҳоли тақлифларидан келиб чиқиб, маҳаллардаги лойиҳаларга 2,5 триллион сўм ажратилди. Бунда ҳудудларнинг қўшимча иқтисодий имкониятларидан шаклланди 16,5 триллион сўм ҳам ҳудудлар инфратузилмасини яхшилашга йўналтирилди.

2023 йилда мамлакатимиз янги ички маҳсулотни ҳажми камидан 5,3 фоизга ўсиши прогноз қилинмоқда. Дунёда сақланиб қолаётган мураккаб вазиятда келгуси йил ҳам асосий мақсад юртимизда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, инфляциянинг кескин ошаб кетишининг олдини олишга қаратилган.

Йилгиликда иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудларни ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, аҳоли турмуш тарзини янада яхшилаш чора-тадбирлари белгилаб берилди.

Хусусан, келгуси йилда саноатда 5,1 фоиз, қишлоқ хўжалигида

3,5 фоиз, хизматлар соҳасида 14,1 фоиз ўсишга эришиш бўйича муҳим вазифалар белгиланди. Шунингдек, аниқланган захиралар ҳисобига саноат ишлаб чиқариш ҳажмини қўшимча 12 триллион сўмга ошириш имконияти кўрсатиб ўтилди. Тадбиркорликни ривожлантиришга 10 триллион сўм ажратилади. Иқтисодиётга банклар ҳисобидан 200 триллион сўм кредит ва халқаро молия ташкилотларидан 500 миллион доллар узоқ муддатли ресурслар жалб қилинади.

2023 йилда тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитларни 19 фоизга ошириб, қарийб 10 миллиард долларга етказиш ҳамда 8 миллиард долларлик янги йирик лойиҳаларни бошлаш бўйича вазифалар белгиланди.

Шунингдек, келгуси йилда ҳудудларда қарийб 8 миллиард долларлик 300 га яқин йирик лойиҳалар ишга туширилади. Бу, ўз навбатида, ҳудудий саноатни 11 фоизга оширишга имкон беради.

Йилгиликда 2023 йилда 18 миллиард долларлик тармоқ ва ҳудудлар экспортни режаси ҳам тақдимот қилинди. Жумладан, ҳудудий экспортни 60 фоизга ошириб, қарийб 10 миллиард долларга етказиш режа қилинмоқда.

Давлатимиз раҳбари электр техникаси, тўқимачилик, қурилиш материаллари, чарм саноати, қишлоқ хўжалиги ва фармацевтика каби соҳалар экспортини камидан 50 — 60 фоизга ошириш бўйича кўрсатмалар берди.

Ў.А.

## ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ДАВЛАТ ТАШРИФИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОНДА БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев жорий йилнинг 21-22 декабрь кунлари давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлади.

Ташриф дастурига мувофиқ, олий даражадаги музокараларда икки томонлама ва минтақавий аҳамиятга молик долзарб масалалар муҳокама қилинади.

Саммит кун тартибидан Ўзбекистон — Қозоғистон стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада чуқурлаштириш, ўзаро савдо ҳажмини ошириш, саноат кооперацияси бўйича манфаатли қўшма лойиҳаларни илгари суриш, қишлоқ хўжалиги, транспорт ва логистика соҳаларидаги ҳамкорликни кенгайтириш, фаол ҳудудларро ва маданий-гуманитар алмашувларни давом эттириш каби

асосий масалалар ўрин олган. Давлат раҳбарлари бир қатор йирик инвестиция лойиҳаларини бошлаб бериши режалаштирилмоқда.

Учрашувлар якунида амалий ҳамкорликнинг устувор йўналишлари бўйича икки томонлама битимларнинг салмоқли тўпламини қабул қилиш кўзда тутилган.

Ў.А.

## ИККИ ВА КЎП ТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИКНИНГ НАМУНАЛИ МОДЕЛИ

Шу йилнинг 21-22 декабрь кунлари Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг Ўзбекистонга давлат ташрифи бўлиб ўтди. Ушбу ташриф Қозоғистон раҳбарининг мамлакат Президенти этиб қайта сайланганидан сўнг илк хорижий ташрифларидан бири бўлиб, бу икки давлат ўртасидаги иттифоқчилик муносабатларини янада мустақамлаш борасидаги ҳамкорлик ва интилишнинг юксак даражасидан далолат беради.

Сўнгги пайтларда Марказий Осиё минтақаси халқаро дипломатия ҳамда сиёсий фаоллик марказига айлангани таъкидлаш лозим. Яқинда Ўзбекистон ва Қозоғистон пойтахтларида, шунингдек, қадимий Самарқандда қатор кўп томонлама олий даражадаги учрашувлар бўлиб ўтди. Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (Самарқанд, 2022 йил, сентябрь) ва Туркий давлатлар ташкилоти (Самарқанд, 2022 йил ноябрь), Осиёда ҳамкорлик ва ишонч қоралари бўйича кенгаш ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (Остона, 2022 йил октябрь) саммитлари, "Марказий Осиё — Россия" ва "Марказий Осиё — Европа Иттифоқи" (Остона, 2022 йил октябрь) шаклларидаги олий даражадаги учрашувлар шулар жумласидандир.

Ўзбекистон ва Қозоғистон раҳбарлари ҳар бир давлатнинг узоқ муддатли ҳамда барқарор ривожланиши бунун минтақа барқарорлиги ва фаровонлиги билан чамбарчас боғлиқлигини чуқур англаган ҳолда яхши қўшничилик ва минтақавий шериклик кун тартибин изчил илгари сурмоқда. Биргаликдаги саъй-ҳаракатлар натижасида Марказий Осиёда мутлақо янги сиёсий муҳит шаклланди. Ўзбекистон Президенти томонидан 2017 йилда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида илгари суринган ташаббус ижроси доирасида уюштирилган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари самарали механизмга айланди.

Ўзбекистон ва Қозоғистон тарихий, маънавий-маданий яқинлиқдаги яхши қўшиллар, шунингдек, Марказий Осиё салоҳиятини мустақамлаш, бутун минтақадан тинчлик ҳамда фаровонликни таъминлашга ҳисса қўшаётган ишончли стратегик ҳамкорлардир. Икки давлат ўртасида дипломатия муносабатлари 1992 йил 23 ноябрь кунини ўрнатилган. Ўзбекистон — Қозоғистон ҳамкорлигининг бугун тарихи давомида томонлар ижтимоий-сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги икки ва кўп томонлама ҳамкорликнинг намунали моделини намойиш этиб келмоқда.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 22-23 март кунлари Қозоғистонга давлат ташрифи ҳамда Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг 2019 йил 14-15 апрель кунлари Ўзбекистонга давлат ташрифи янги босқичдаги ҳамкорликка кучли туртки берди. Ушбу ташрифлар

натيجаси ўлароқ, ҳукуматлараро ва идоралараро 20 дан ортиқ ҳужжатлар, шунингдек, савдо-иқтисодий ҳамкорлик соҳасидаги битимлар тўплами имзоланди.



2

## ПРЕЗИДЕНТ СОВГАЛАРИ ҲУДУДЛАРГА ЖЎНАТИЛМОҚДА

Яқинлашган Янги йил байрами — ҳар бир болажон учун интиқ қўйилган, сирли воқеаларга, муъжизаларга, шўхуқ ва ҳаяжонларга бой айём. Айниқса, байрам совгалари уларнинг бутун умр эсида қолади...

### Шукуҳ

Ҳар йили Янги йил байрами арафасида юртимизнинг барча ҳудудида Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, ота-она қаровисиз қолган, ота-оналари Ватан сарҳадларини ҳимоя қилиш йўлида қурбон бўлган болалар, шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари учун "Президент арчаси" тадбири ўтказилади.



Ушбу тадбирларда "Президент совғаси" улашилши ёш авлод вакиллари қалбига қувонч олиб қиради. Уларнинг руҳига кўтаринчилик, эртанги кунга ишонч бағишлайди.

Кунини кеча пойтахтимиздан ана шу кадрли совғалар мамлакатимиз ҳудудларига жўнатилди.

Ҳосан ПАЙДОЕВ олинган суратлар.

3

## МУНОСАБАТ ЮРТИМИЗНИНГ ХАЛҚАРО МИҚЁСДА ТУТГАН ЎРНИ ВА НУФУЗИ ТОБОРА ЮКСАЛИБ БОРМОҚДА

Маълумки, кейинги йилларда Ўзбекистоннинг халқаро миқёсда тутган ўрни ва нуфузи тобора юксалиб бормоқда. Бунинг Президент Шавкат Мирзиёев томонидан нуфузли минбарларда илгари сураётган ташаббус ва тақлифлар қўллаб-қувватланаётгани мисолида ҳам кўриш мумкин. Хусусан, давлатимиз раҳбари 2020 йил 23 сентябрда БМТ Бош Ассамблеяси 75-сессиясида нутқ сўзлаб, бир қатор ташаббусларни илгари сурган эди.

Жумладан, пандемия даврида халқаро алоқаларни ривожлантириш, ёшлар сиёсати, Барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш, Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорлик, Африқистонда тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш, глобал климат ўзгариши ва Орол муаммоси, қашшоқликни тугатиш ва камбағалликка қарши курашиш каби ўткир масалалар бўйича фикр ҳамда тақлифлар билдирилганди. Эътиборлиси, мазкур ташаббуслар БМТ томонидан эътироф этилиб, қўллаб-қувватланмоқда. Яқинда БМТ Бош Ассамблеяси ўзининг 77-сессиясида Ўзбекистон етакчисининг 75-сессияда билдирган яна бир ташаббуси, яъни "Барқарор ривожланиш мақсадларига (БРМ) эришишни жадаллаштиришда парламентлар ролини қўлайитириш тўғрисида"ги резолюцияни бир овоздан маъқуллади.

## МАҚСАДЛАР ЯХЛИТ ВА АЖРАЛМАС

Жорий йилнинг 14 декабрь кунини БМТ Бош Ассамблеясида "Барқарор ривожланиш мақсадларига (БРМ) эришишни жадаллаштиришда парламентлар ролини қўлайитириш тўғрисида"ги резолюциянинг бир овоздан маъқуллагани халқаро ҳамжамият томонидан мазкур ҳужжатнинг муҳимлиги ва долзарблиги юксак эътироф этилганидан далолатдир.

Зеро, Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган ушбу ҳужжат нафақат БМТга аъзо давлатлар томонидан бир овоздан қўллаб-қувватланди, балки дунёнинг турли қитъаларидан 40 га яқин мамлакатлар ҳаммуаллифлигида қабул қилинди.

Резолюция парламентлари Барқарор ривожланиш мақсадлари ва уларга эришишга ўз мамлакатларидаги мавжуд миллий ҳуқуқий базаларнинг қўлланган ҳиссасини баҳолашга ундайди.

Мақсадлар яхлит ва ажралмас эканлигини ҳамда сиёсатнинг изчиллиги 2030 йилга қадар кун тартибига эришилганда муҳим аҳамиятга эга эканлигини тан олади.

Шунингдек, аъзо давлатлари ҳисобдорликни таъминлаш ва мустақамлаш

Турсуной МУРАТОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

### «Халқ сўзи» учун эксклюзив

## «Янги Ўзбекистон — ЎЗГАРУВЧАН ВА МУШТАРАК ДУНЁДА ИШОНЧЛИ ШЕРИК»

Айни шу мавзуда Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан давра суҳбати ташкил этилди. Таъдбирда Ташқи ишлар вазирлиги раҳбарияти, мамлакатимизда аккредитациядан ўтган хорижий давлатларнинг дипломатик ваколатхоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналари раҳбарлари, юртимизнинг хорижий давлатлардаги элчилари қатнашди.



Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Владимир Норов ўз нутқида давра суҳбати иштирокчилари эътиборига янги Ўзбекистон ташқи сиёсатининг ютуқлари, устувор йўналишлари ва икки томонлама ҳамкорликда эришилган натижалар ва республикамизнинг кўп томонлама дипломатияси тўғрисидаги маълумотларни тақдим этди.

2

### Сенат қўмиталарида

## МАСАЛАЛАР ДАСТЛАБКИ ТАРЗДА КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Кеча парламент юқори палатасининг қатор қўмиталари йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда Олий Мажлис Сенатининг навбатдаги янги мажлиси кун тартибига киритилиши режалаштирилган масалалар дастлабки тарзда кўриб чиқилди.

### Ҳисоботларни мунтазам эшитиб бориш тартиби жорий этилмоқда

Ахборот сиёсати ва давлат органларида очикликни таъминлаш масалалари қўмитаси мажлисида дастлаб Ҳукумат вакиллари томонидан 2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетни бўйича тўлиқ маълумотлар тақдим этилди.

Таъкидланганидек, бюджетномада Давлат бюджети, давлат мақсади жамғармалари, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, бюджет ташкилотлари бюджетдан ташқари жамғармалари параметрлари, Ўзбекистон Республикаси номида ва мамлакатимиз кафолати остида олинандиган давлат қарзининг чекланган ҳажмлари белгиланмоқда.

Эндиликда парламент қўйи палатаси томонидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларнинг уларга республика бюджетидан ажратиладиган маблағлардан фойдаланиш ҳамда ривожлантириш дастурлари мақсадли индикаторлари бажари-

лиши ҳолати бўйича ҳисоботларини мунтазам равишда эшитиб бориш тартиби жорий қилинмоқда.

Бюджетномада кўрсатилган асосий ўзгаришлардан яна бири қўйилган қўйим солиғи ставкасини 15 фоиздан 12 фоизга пасайтириш ҳисобланади, бунда бюджет йўқотишлари ўрнини солиқ базасини кенгайтириш, шу жумладан, солиқ ва боғхона имтиёзлари бериш ҳамда солиқ маъмурчилиги ва солиқ йиғувчанлигини яхшилаш орқали тўлдириш назарда тутилмоқда.

Мажлисида "Мувофиқликни баҳолаш органларини аккредитациядан ўтказиш тўғрисида"ги қонун ҳам дастлабки тарзда кўриб чиқилди.

3

### Фракцияларда

## ҲАР БИР МОДДА СИНҚИЛАБ ТАҲЛИЛДАН ЎТКАЗИЛДИ

Кеча сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциялари йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда "2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги ва бошқа долзарб қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси йиғилишида қайд этилганидек, "2023 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги қонун лойиҳаси билан Давлат бюджети, давлат мақсади жамғармалари, Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари жамғармалари параметрлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси номида ва Ўзбекистон Республикасининг кафолати остида олинандиган давлат қарзининг чекланган ҳажмлари белгиланмоқда.

Шунингдек, лойиҳада бюджет назарда тутилган. Хусусан, биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ўзларининг жорий харажатларини мустақил қайта тақсимлаш ваколати берилган.

Кичик ва ўрта бизнес ривожланишини рағбатлантириш мақсадида товар айланмаси 1 млрд. сўмдан ошган кичик бизнес тоифасига кирувчи тадбиркорлар учун 1 йил давомида фойда солиғи ставкасини 2 баравар пасайтириш назарда тутилмоқда.

3

# ИККИ ВА КҮП ТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИКНИНГ НАМУНАЛИ МОДЕЛИ

Козогистон билан дўстлик ва яхши кўнчилик муносабатларини мустақамлаш ўзбекистон таъкиби сийосатининг энг муҳим устувор йўналишларидан биридир. Икки давлат халқаро сийосат масалаларида бир-бирини қўллаб-қувватлаб, БМТ, ШХТ, МДХ, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, Ислам ҳамкорлик ташкилоти, Туркий давлатлар ташкилоти, Орполи кўтариш халқаро жамғармаси ва бошқа халқаро тузилмалар доирасида самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик қўллаб-қувватлаб юзасидан томонларнинг нуктаи назарлари ўхшаш ёки бир-бирига яқиндир.

Козогистон ўзбекистоннинг муҳим савдо-иқтисодий шерикларидан бири ҳисобланади. Сўнгги беш йилда мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми, пандемия оқибатларига қарамадан барқарор ўсиб бормоқда. 2022 йилнинг январь — ноябрь ойларида бу кўрсаткич 4,2 миллиард АҚШ доллари билан 2021 йилнинг 4,9 миллиард доллардан ошди. 2021 йилнинг 2-кварталида Козогистонга 2021 йил буюрган давлат ташрифи яқунлари бўйича яқин беш йилда икки давлат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажмини 10 миллиард долларга етказиш бўйича Амалий ҳаракатлар режаси имзоланган эди.

Бугунги кунда ўзбекистонда козогистонлик тадбиркорлар иштирокатида 1 100 дан ортиқ, Козогистонда эса ўзбек капитали жалб қилинган 1 400 дан зиёд корхоналар фаолият юритмоқда.

Транспорт коммуникациялари соҳаси ўзбекистон — Козогистон ҳамкорлигини ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан биридир. Мамлакатларимизнинг автотранспорт ва темир йўллари ўзаро интеграцияланган. Ушбу муҳим алоқа тармоғи учинчи давлатлар учун ҳам транзит вазифасини бажармоқда. Бугунги кунда бу борадаги истиқболли лойиҳалар қаторида Учқудук — Қизил Ҳада участкасида янги йўлак барпо этиш ҳам бор эканини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ўзаро сармоя киритиш, саноат кооперацияси, қишлоқ ҳўжалиги саноати, энергетика, фармацевтика ва қурилиш соҳаларидаги ҳамкорлик ҳам савдо-иқтисодий алоқаларнинг "ўсиш нукталари" ҳисобланади.

Мазкур савдо-ҳаракатларга қўшимча туртки бериш мақсадида биргаликда Саноат кооперацияси халқаро марказини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинган.

Худудлараро алоқалар ўзаро ҳамкорликни кучайтириш учун ўзига хос ҳаракатлантирувчи омилига айланмоқда. 2018 йилдан бошлаб мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг янги механизми — Худудлараро ҳамкорлик форуми йўлга қўйилди. Ҳозиргача учта ана шундай форум ўтказилди ва уларнинг охиригини 2021 йил 25-26 ноябрь кунлари Туркестон шаҳри (Козогистон) қабул қилди. Икки давлатнинг чегарадош вилоятлари раҳбарлари ўзаро мақсулот етказиб бериш, янги ҳамкорлик лойиҳаларини ишлаб чиқиш масалаларида яқин алоқалар ўрнатмоқда.

Ўзбекистон ва Козогистон ўртасидаги маданий-гуманитар ҳамкорлик 1994 йил 10 январь кунини қабул қилинган маданият, соғлиқни сақлаш, илм-фан, таълим, туризм ва спорт соҳаларида алоқаларни чўқурлаштиришга қаратилган ҳужжатларга битим асосида амалга оширилмоқда. Икки мамлакат илм-фан ва таълим муассасалари ўртасида ўқитувчи ва талабалар, ўқув-услубий материаллар алмашуви соҳасида тўғридан-тўғри муносабатларни йўлга қўйган. Ўзбекистоннинг олий билим юртлари Козогистоннинг 50 дан ортиқ олий таълим масканлари билан фаол ҳамкорлик шартномаларига эга.

Икки мамлакат Фанлар академиялари ўртасидаги самарали ҳамкорлик аънанвий тарзда иқтисослаштирилган институтлар даражасида амалга оширилмоқда. Козогистон вакиллари Самарқанд шаҳрида ўтказилаётган "Шарқ тароналари" халқаро мусика фестивалида мунтазам катнашиб келаётди.

Давлат раҳбарларининг мулоқотида илм-фан, таълим, маданият, санъат, туризм, спорт ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни янада фаолаштиришга интилиш қатъий таъкидланади.

Эслойтиб ўтасиз, бугунги кунда ўзбекистонда қозок миллатига мансуб 800 миңдан зиёд йортдошларимиз яшайди, Козогистондаги ўзбеклар жамияти эса 500 миңга яқин кишиларни ташкил қилади. Улар икки давлат раванга ва фаровонлигига, халқларимиз ўртасидаги дўстлик ҳамда қардошлиқ ришталарини мустаҳкамлашга салмоқли хисса қўшмоқда. 600 нафардан ортиқ қозок миллатига мансуб ўзбекистонликлар ва 20 дан ортиқ ўзбек миллатига мансуб Козогистон фуқаролари икки мамлакатнинг давлат муқофотлари билан тақдирланган.

1992 йилдан буён ўзбекистонда Қозок маданият маркази фаолият кўрсатмоқда, унинг 30 га яқин вилоят ва худудий бўлиmlлари мавжуд. Мамлакатимизда қозок миллати вакилларининг ўзига хос маданияти, аънаналари ва тилини авайлаб асраш учун барча шарт-шароит яратилган. Хусусан, 400 та мактабда дарслар қозок тилида олиб борилади, 162 та мактабда эса таълим бериш жараёни фақат қозок тилида ташкил этилган. Қозок тилида олий ва касб-ҳўнар таълими олиш учун Тошкент давлат педагогика университети, Қорақалпоғистон давлат университети, Гулистон давлат университети, Нукус, Жиззах ва Навоий давлат педагогика институтларида қозок тили ва адабиёти факультети ҳамда кафедралари фаолият юритмоқда.

2022 йил ноябрь ойида Остона шаҳрида ўзбекистон маданияти кўнари муваффақиятли ўтказилди. Мазкур тадбир икки халқнинг узоқ тарих давомида шакланган маданий-маънавий яқинлигини, яхши кўнчилик ва дўстлик ришталари мустаҳкамлигини яна бир бор намоён этди.

19 декабрь куни, ташриф арасида ўзбекистон тасвирий санъат галереясида буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг инсонпарварлик аънаналарини давом эттирган қозок ёзувчиси ва мутафаккири Абай Қўнонбоев ҳаёти ва ижодига бағишланган "Абай. Қардош халқлар мероси" номли кўргазма очилди. Кўргазманинг очилиши давлатимиз раҳбарияти томонидан туркий халқларнинг маданий меросини асраб-авайлаш ва тиклашга қаратилган эътиборнинг яқол тасдиғи бўлди. Бу воқеа, шунингдек, мамлакатларимиз халқлари ўртасидаги дўстлик алоқалари мустаҳкамлигини раъсий ифодаляйди.

Ўзбекистон ва Козогистон бугун ҳам кўп асрлик дўстлик, яхши кўнчилик, ўзаро ишонч ҳамда кенг қўллами шериклики янада мустаҳкамлашга бел болаган. Президент Қосим-Жомарт Тоқоевнинг ўзбекистондаги давлат ташрифи икки қардош мамлакат ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни амалий мазмун билан бойитиб, ўзаро муносабатларни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишга ҳизмат қилади.

«Дунё» АА.

# «ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН – ЎЗГАРУВЧАН ВА МУШТАРАК ДУНЁДА ИШОНЧЛИ ШЕРИК»

Хусусан, сўнгги йилларда биргаликдаги савдо-ҳаракатлар тўғрисида Марказий Осиёда мутлақо янги, ижобий яқши кўнчилик, ўзаро ишонч ва ҳамкорлик муҳити шаклланди. Ўзбекистоннинг деярли барча хорижий ҳамкорлар билан икки томонлама муносабатлари, айниқса, савдо, инвестициявий, транспорт-коммуникация алоқалари соҳаларида жадал ривожланди.

Ўзбекистон Республикасининг кўп томонлама дипломатия тамойиллари қатъий содиқлиги таъкидланди, бу халқаро институтлар, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Туркий давлатлар ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва бошқа тузилмалар билан мулоқот учун янги уфқларни очиб имконини берди.

Давра суҳбатига сўзга чиққан хорижий дипломатлар Президент Шавкат Мирзиёев раҳномалигида янги Ўзбекистоннинг таъкиби сийосатдаги муваффақиятларини юқори баҳоладилар.

**Гусейн ГУЛИЕВ, Озарбайжоннинг мамлакатимиздаги Фавқулдда ва мухтор элчиси:**

— Бугунги кунда бутун дунё минтақавий ва глобал характердаги барча масалалар бўйича ўз манфаатлари ҳамда позицияларини ишончли ва прагматик эълон қилаётган расмий Тошкентнинг таъкиби сийосати фаолашайотганга тавбиров бўлмоқда.

Биргина сўнгги ойларда 20 га яқин давлат раҳбарлари ўзбекистонга ташриф буюрди. Мамлакат ШХТ ва Туркий саммитларини юқори даражада ўтказди.

Шундай қилиб, Ўзбекистон чинакамга жаҳон аҳамиятига молик масалалар ечим топадиган маконга айланди. Бу, аввало, жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг қўллаб-қувватланаётган муҳим ва долзарб ташаббусларни халқаро майдонларда илгари сўраётган Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг савдо-ҳаракатлари натижасидир. Пировавларда Ўзбекистоннинг таъкиби сийосати нафақат минтақада, балки бутун дунёда эътиборга олинмоқда.

**КИМ Хи Санг, Корея Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулдда ва мухтор элчиси:**

— Ўзбекистоннинг минтақа ва жаҳондаги ўрни йилдан-йилга ортиб бормоқда. Расмий Сеул халқаро бўлими ўртасидаги мустаҳкам дўстлик ва махсус Ўзбекистон — Жанубий Корея стратегик шериклигига таянган ҳолда янги Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилишга тайёр. Икки мамлакат Ташқи ишлар вазирилари ўртасида конструктив ҳамкорлик йўлга қўйилган ва бу формат юксак натижаларга эришиш имконини бераётди.

**Маниш ПРАБХАТ, Ҳиндистоннинг мамлакатимиздаги Фавқулдда ва мухтор элчиси:**

— Ўзбекистон, энг аввало, халқ фаровонлиги, юрт раванга, минтақа ҳамжиҳатлиги йўлида янги йўлдан бормоқда ва бу борада долзарб глобал масалаларни ҳал қилишда ижобий хисса қўяпти.

Ўзбекистон олиб бораётган яхши кўнчилик сийосати ҳамжиҳатлик кўрсатиш ва минтақанинг биргаликдаги тараққиётга тайёрлигини бутун дунёга намойиш этиш муҳимлигини кўрсатди. Бугун Ўзбекистон ва Қирғизистон чегараларини делимитация қилиш бўйича муҳим келишувлар эришилди. Дунё буни тинчлик сийосати ва тараққиётнинг мустаҳкам пойдевори сифатида оқлашди.

Президент Шавкат Мирзиёев Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги боғлиқлик бўйича халқаро конференция ўтказиш ташаббусини илгари сурди ва 2021 йил июль ойида Тошкентда жуда муваффақиятли конференция ўтказилди.

Мухтасар айтганда, Ўзбекистон дунёнинг ҳар бир давлатига барча соҳада ишончли ҳамкор бўлиш учун зарур имкониятларга эга эканлигини намойиш этмоқда.

**Дьюла КОВАЧ, Венгриянинг мамлакатимиздаги Фавқулдда ва мухтор элчиси:**

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг очилди, яхши кўнчилик ва конструктив ҳамкорлик сийосати тўғрисида Марказий Осиё турли тушунмовчиликларини ҳал этишда жаҳон ҳамжамиятига намуна бўлаётди.

Биз 2022 йилда олий даражадаги ташрифни амалга ошириб, 1 миллиард долларлик мустаҳкам ҳужжатлар тўпламини имзолашга эришдик. Венгрия Ўзбекистон билан икки томонлама ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш тарафдоридир. Айниқса, инвестиция ва савдо соҳасида муваффақиятли ташкил этилган 2 та бизнес форуми, иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳужжатлар қўл қўйилган наватбадга мажлисини ўтказганимиз ҳам тасдиқлайди. Ўзаро ташрифлар чоғида эришилган келишувларни ҳаётга таъкиб этиш учун шохсан мен барча савдо-ҳаракатларни амалга оширишга тайёрман.

**Абдужаббор РАҲМОҢЗОДА, Тожикистоннинг мамлакатимиздаги Фавқулдда ва мухтор элчиси:**

— Кейинги йилларда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг оқилона ва узоқни кўриб,

олиб бораётган таъкиби сийосати тўғрисида Марказий Осиёда мутлақо янги, ижобий яқши кўнчилик, ўзаро ишонч ва ҳамкорлик муҳити шаклланди. Ўзбекистоннинг деярли барча хорижий ҳамкорлар билан икки томонлама муносабатлари, айниқса, савдо, инвестициявий, транспорт-коммуникация алоқалари соҳаларида жадал ривожланди.

Ўзбекистон Республикасининг кўп томонлама дипломатия тамойиллари қатъий содиқлиги таъкидланди, бу халқаро институтлар, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Туркий давлатлар ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва бошқа тузилмалар билан мулоқот учун янги уфқларни очиб имконини берди.

Давра суҳбатига сўзга чиққан хорижий дипломатлар Президент Шавкат Мирзиёев раҳномалигида янги Ўзбекистоннинг таъкиби сийосатдаги муваффақиятларини юқори баҳоладилар.

**Тило КЛИННЕР, Германиянинг мамлакатимиздаги Фавқулдда ва мухтор элчиси:**

— Бугунги кунда Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги ҳамкорлик жуда юқори даражада ва бу сўрбат йилдан-йилга ортиб бормоқда. Жорий йилда турли йўналишларда икки томонлама қатор муҳим тадбирлар ўтказилиши тасдиқланди.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Германия Федераль Президенти Франк-Вальтер Штайнмайер ўртасида наватбадга телефон мулоқотлари, ташқи ишлар вазири Аннелена Бербокнинг Ўзбекистонга ташрифи, ТИВлараро сийосий маслаҳатлашувларнинг 17-давраси, Германия — Ўзбекистон ишбилармонлар кенгашининг 6-мажлиси, Германия — Ўзбекистон ишбилармонлар кенгаши, молиявий ва техник ҳамкорлик масалалари бўйича ҳужжатларга маслаҳатлашувлар ва бошқа тадбирлар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ташқи сийосатини яхши кўнчилик ва тинчликсевар деб атаган бўлардим. Ўзбекистон барча кўйилган давлатлар билан дўстона алоқаларни давом эттирувчи ноёб давлатлар қаторига кирди.

Германия Ўзбекистон билан хар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш ва замонвий чакриқларга, жумладан, Орол денгизи ҳалокати ва миграция масалаларига биргаликда қарши туришдан манфаатдор. Узоқ муддатли ҳамкорликни ривожлантириш учун биз академиялар, университетлар ва фуқаролик жамияти вакиллари ўртасидаги алоқаларни фаолаштиришимиз керак.

**Леонид МАРИНИЧ, Беларус Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулдда ва мухтор элчиси:**

— Ўзбекистон оқилона, очик ва дўстона сийосат юритмоқда ва бу, албатта, чўқур ҳурматга лойиқдир. Ушбу сийосат дунёда, жумладан, МДХ худудида кузатилаётган муаммолар ва тенденцияларга жавоб беради.

Ўзбекистон Президенти янги ташаббусларни илгари сурмоқда ва биз уларнинг амалий ҳаётга таъкиб этилаётганини ўз қўзимиз билан кўриб турибмиз. Республика раҳбарияти томонидан олиб борилаётган мутаносиб ва прагматик сийосат ҳам Марказий Осиё минтақасида, ҳам жаҳон миқёсида яқин ҳамда дўстона муносабатларни мустаҳкамлашга ҳизмат қўлимоқда.

Ўзбекистон ҳам МДХ, ШХТ каби халқаро тузилмалар доирасидаги мулоқотни ишонч билан мустаҳкамламоқда. Республика тинчлик, ҳавфсизлик ва барқарор тараққиётни таъминлаш сийосати тўғрисида БМТ тизимида катта обрў ва ҳурматга эга.

Ўзбекистон Афғонистонда тинчлик ўрнатиш йўлларини излаш борасида қандай фаол иш олиб бораётганини кўриб турибмиз. Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг наватбадга саммити Ўзбекистонда юқори даражада ташкил этилгани чинакам тарихий лаҳзадир. Тан олиш кераки, мамлакат ўз олдида қўйилган вазифани муносиб бажарди. Ўзбекистон Президенти томонидан умумий ҳавфсизлик ва фаровонлик йўлида илгари сурилган "Самарқанд бирдамлик" ташаббусини ҳам алоҳида таъкидламоқчиман. Буларнинг барчасини уйғунлаштиришда тинчлик-фаровонлик тасвири шаклланди.

Умуман олганда, амалга оширилаётган барча ташаббус ва тадбирлар Ўзбекистон сийосатининг очилдиликдан далolat беради. Беларус Ўзбекистон билан барча соҳада кўп қиррали ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни юксак қадрлайди.

**Тақши ХАТОРИ, Япониянинг мамлакатимиздаги Фавқулдда ва мухтор элчиси:**

— Ўзбекистон Республикасининг жорий йилдаги ташқи сийосати фаоллиги ва натижаларидан илҳомландим.

Япония ташқи ишлар вазири Ёшимаса Хаяши бошчилигидаги делегациянинг апрель ойида амалга оширган ташрифи жуда самарали бўлди. Декабр ойи охирида Ўзбекистон ташқи ишлар вазирининг

Японияга ташрифи ҳамда Токиода бўлиб ўтадиган "Япония — Марказий Осиё" форматидagi ташқи ишлар вазирилари мулоқотида иштирок этиши режалаштирилган.

Япония ҳукумати ва ишбилармонлари Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни биргаликда амалга оширишдан манфаатдордир.

**Геннад БУМЕДИЕН, Жазoirнинг мамлакатимиздаги Фавқулдда ва мухтор элчиси:**

— Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга ишонч ёриқларини топшириш чоғида биз икки давлат ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш бўйича "Йўл харитаси"ни муҳожима қилдик.

— Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси доирасидаги ишлохотлар муваффақиятли амалга оширилаётгани билан таъриқлайман.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида белгиланган режалар муваффақиятли амалга оширилиши тилайман.

**Даниел ЧОБАНУ, Руминиянинг мамлакатимиздаги Фавқулдда ва мухтор элчиси:**

— Ўзбекистон билан икки томонлама муносабатларни ривожлантириш Руминиянинг Марказий Осиёдаги устувор йўналишларидан биридир. Расмий Бухарест Ўзбекистондаги ишлохотлар жараёнини юқори баҳолайди ва қўллаб-қувватлашга тайёр.

Мамлакатларимиз ўртасида конструктив сийосий мулоқот юзатилган. Соҳавий ҳамкорликнинг фаолашуви ўзатиқмоқда. Товар айирбошлаш ҳажми жадал ўсиб бормоқда. 2022 йил январь — август ойларида савдо айланмаси ўтган йилдагига нисбатан 5,3 баробар ошди.

Руминия Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон билан ҳамкорликни кенгайтириш тарафдоридир. Асосий эътибор Каспий ва Балтиқ денгизлари имкониятлари ва инфратузилмаси орқали яқин минтақа давлатларини боғлайдиган янги транспорт йўлакларини яратиб орқали инвестиция ва савдога қаратилмоқда.

**Аҳмад ал-КАСИРИЙ, Умон Султонлигининг мамлакатимиздаги Фавқулдда ва мухтор элчиси:**

— Ўзбекистоннинг Афғонистондаги вазиятни тартибга солиш ва афғон халқига ҳар томонлама инсонпарварлик ёрданини кўрсатишдаги роли алоҳида аҳамиятга эга.

Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлашга ҳизмат қилувчи транспорт йўлакларини ташкил этиш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳам муҳим саналди. Бошқа давлатлар ва халқаро ташкилотларини ҳам тинч-фаровон Афғонистонни барпо қилишда фаол иштирок этишга чакирманам.

**Фатима Брюс ВИДАЛ, БМТнинг доимий координатори вазифасини бажарувчи:**

— Бизнинг тузилма Ўзбекистоннинг минтақада тинчлик, барқарорлик ва барқарор тараққиётни таъминлашда муҳим роль ўйнашини тан олади.

Яқинда Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан қабул қилинган "Барқарор ривожланиш мақсадларига (БМ) эришишни жадаллаштиришда парламентлар ролин кучайтириш тўғрисида"ги резолюция мақкуллангани билан барча ўзбекистонликларни таъриқлайман.

БМТ миллий устуворликларга эришишда, жумладан, 2022 — 2026 йилларда Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси доирасида ҳам қўллаб-қувватлашга тайёр.

**Сара НОШАДИ, ЮНЕСКО ваколатхонаси раҳбари:**

— Ўзбекистон билан сўнгги 20 йил давомида таълим, маданият ва фан соҳасида жуда яқин ҳамкорликни ривожлантириш келмоқда. ЮНЕСКО Бош директорининг 2019 йил ва 2022 йилдаги Ўзбекистонга ташрифлари тўғрисида алоқаларимиз янада мустаҳкамланди. Биз Ўзбекистон билан ҳамкор эканимиздан фарланамиз.

Жорий йили Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммити доирасида ШХТ билан ўзаро алоқалар меморандуми имзоланди. Сентябрь ойи охирида Ўзбекистонда ахборотга эга бўлиш бўйича глобал конференция, ноябрь ойида эса мактабга таълим бўйича ЮНЕСКО халқаро форуми бўлиб ўтди.

Ўзбекистон раҳбарияти улкан вазифаларни белгилаб олган ва уларни амалга оширишда муваффақиятларга эришмоқда. ЮНЕСКО Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ҳаётга таъкиб этилишида кўмак беришга тайёр.

**Мунир МАММЕДЗАДЕ, ЮНЕСКО ваколатхонаси раҳбари:**

— Бу йил алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, инсон ҳуқуқлари бўйича биринчи халқаро шартнома — Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция қабул қилинганнинг 30 йиллигини нишонламоқдамиз. Янги Ўзбекистонда янги авлоднинг ривожланиши ва фаровонлиги учун мустаҳкам пойдевор яратилмоқда. Чунки мамлакат аҳолисининг учдан бир қисми болалар ва 60 фоиздан ортиғи 30 ёшгача бўлган йигит-қизларни ташкил этади. Бу мамлакатнинг асосий ресурси ва бойлиғидир.

Сўнгги беш йил ичида мактабга таълимни қамраб олишнинг 70 фоизга етиши, инклюзив таълимнинг босқичма-босқич жорий этилиши, ижтимоий ҳимоя стратегиясининг қабул қилиниши, қарийб 2,5 миллион оилалар ижтимоий нафақалар билан қамраб олингани, халқ таълимини ишлоқ қилиш учун ишлаб чиқилаётган "Йўл харитаси" ва бошқа қўллаб-қувватлаш бўлими сийосатининг ижтимоий йўналишини кўрсатади ва мамлакат раҳбариятининг қатъий иродасидан далolat беради.

Ўзбекистон билан ҳамкорлигимиз тўғрисида ЮНЕСКО Термиз шаҳрида ҳам фаолият бошлади. Афғонистондаги гуманитар инқирозни бартароф этиш борасидаги савдо-ҳаракатлари учун Ўзбекистоннинг миннатдоримиз.

